

КОММУНИКАТИВ ЛАКУНАЛАР

Шаймарданова Азиза Раимжановна

Термиз давлат университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада коммуникатив лакуна ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрни тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, лакунанинг ушбу турини пайдо қилувчи омил ҳисобланган арго ва жаргонлардан мисоллар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: лакуна, муқобилсиз лексика, мулоқот, коммуникатив лакуналар.

КОММУНИКАТИВНЫЕ ЛАКУНЫ

Шаймарданова Азиза Раимжановна

Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы

Термезского государственного университета

Аннотация: В статье рассматривается о коммуникативной лакуне и ее роли в процессе общения. Кроме того, к анализу были привлечены примеры аргот и жаргона, которые считались фактором, вызвавшим этот тип лакун.

Ключевые слова: лакуна, без эквивалентная лексика, коммуникация, коммуникативные лакуны.

COMMUNICATION LACUNAS

Shaymardanova Aziza Raimjanovna

Teacher of the Department of Uzbek Language and Literature

Termez State University

Abstract: The article discusses the communicative lacuna and its role in the communication process. In addition, examples of argot and jargon were involved in the analysis, which were considered a factor that caused this type of lacunae.

Keywords: lacuna, non-equivalent vocabulary, communication, communicative lacunae.

Мулоқотнинг айрим ўринларида тушунчани ифодаловчи лексемалар, фразеологик ва шунингдек номинатив бирликларнинг мавжудмаслиги лакуна борлигини англатади.

Лакуналогия соҳасида изланишлар олиб борган бир қанча олимларнинг фикрини ўрганиб, биз тушунча, лексема, семеманинг ўзаро боғлиқ эканлиги, номланмаган ёки аксинча, номлансада, оммалашмаган тушунчаларни қатъий чегаралаб лакунарлик ҳодисасини ва уни юзага келтирувчи омилларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Жумладан, С.А.Аскольдов-Алексеев, Д.С.Лихачев, Ю.С.Степанов, Ю.А. Сорокин, Е. С. Кубряково, А. П. Бабушкин, З.Д. Попов, И.А.Стернин каби олимларнинг билим ва ғоялари, ўтказган тажрибалари шуни кўрсатадики, лакуна ақлий категория, онда мавжуд бўлган тушунча, фикрлашдаги бир жараён, ҳодиса маҳсули бўлиб, (бу ерда биз Л.С.Выготского, Н.И. Жинкина, И.Н.Горелова, Н.М.Бехтерева, А.А.Леонтьева, А.А.Залевской, А.Р.Лурия ва бошқаларнинг ҳам олиб борган тадқиқотлари асосида), Г.В.Быкова таъкидлаганидек, у тилда “универсал код бирликлари томонидан кодланган” тушунчалар [1;101] билан амалга оширилади.

Тилда ифодаланадиган ва номланадиган тушунча семема, яъни “маъно мақомига” эга бўлади. Лакуналар эса тил системасидаги камчилик сифатида қаралиб, “бўш лексема мақомига” эга бўлган жараёндир. Шу ўринда айтиш жоизки, тафаккурнинг иникоси инсоннинг фақатгина қарашларида эмас, тилида ҳам акс этади. Демак, ўзининг миллий манзарасига эга маданият вакилларининг нутқида учровчи, тушунчаларнинг бирор номга эгалиги, ўзга тилда луғавий эквиваленти учрамаслиги ёки бошқа тилга нисбатан айрим фарқларга эга бўлиш ҳодисаси "лакунарлик"деб аталади.

Тилшунос олим И.А.Стернин таъкидлаганидек, – "Агар бирор концепт жамиятда муҳокама қилиш эҳтиёжига айланса, биз унинг коммуникатив аҳамиятини шакллантириш ҳақида гапиришимиз мумкин. Тушунчани муҳокама қилиш учун эса, уни номлаш зарурати туғилади ва бу мақсад орқали лексик лакуналар тўлдирилади[2;41]." Коммуникатив лакуналарнинг мулоқот жараёнида воқеъланганлиги сабабли, тушунчанинг коммуникатив алоқадорлигини оширишда улар кўпинча жаргон, сленг бирлиги ёки диалектлар

билан тўлдирилади. Айтайлик, 90-йилларнинг охирларида рус тилида жаргон бирликларидан фойдаланмаслик учун цензурали таъқиқлаш бўлганлиги туфайли рус тилида кўплаб коммуникатив лакуналар юзага келган эди. Энди бундай таъқиқлар бартараф этилганлиги ва эҳтиёж туфайли, нутқ алоқа коммуникатив лакуналари билан тез суръатда тўлдирилди.

Маълум соҳа гуруҳлари томонидан ишлатилиб, бошқалар учун сир тутиладиган терминлар ҳисобланган арголар қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: аскарларга хос арго сўзлар – *дух, дембель, дедовщина*, полиция ходимлари нутқида учровчи арголар– *мент, бомж, опер*, жиноий тўдага хос– *шестёрка, стукач* (иккиюзламачи маъносида), *козёл* (сотқин маъносида), талабаларга хос арго сўзлар – *девор, гишт* (безбет маъносда), *форточка* (оғзи очик), *бульдозер, тарпеда* (таниш-билиш), *оператор* (телефонда кўп гаплашувчилар), *депутат* (формали талаба) каби сўзларни ўз ичига олади. Оғзаки нутқда фаол, аммо ёзма нутқда номувофиқ (расмий ёзишмаларда фойдаланиш учун мос келмайдиган) деб ҳисобланилган бундай сўзлар сўзлашувда тўғри ва табиий ҳолат сифатида қаралади.

Ўзбек тилидаги “**чурук**” сўзи “хаддан ортиқ даражада эзма” шаклида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да келтирилган. *Нима қилиб бу эзма-чурукни судраб юриб-сиз, бети қурсин.* (С.Аҳмад, “Сўнгги нусха”) [3;23]. Бундай сўзлар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, маданиятнинг бир қисми бўлган ва одамларнинг суҳбатларига киритилган. Ўзбек тилига хос бўлган арго, жаргон, сленг кўринишидаги сўзлар нутқ жараёнида тез-тез учраб туради. Ўз навбатида уларнинг турли мавзу доирасида тасниф қилиб, бир қанча вариантларга эгаллигини айтиб ўтишимиз мумкин. Бинобарин, лакуналарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шундадир.

Май (ароқ) номи билан боғлиқ бўлган арготик бирликлар хос коммуникатив лакуналар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: *чойнак, мўйсафид, оқбўта, четушка, чоракта, яримта, ўткирроғи, ноль беш, ягона, чўпонча, орзу, рюмка...* кабилар. Бу турдаги лакуналар коммуникатив

заруратдан келиб чиқиб, сўзлашувда ва бадий асарнинг менталитетга хос қийматини ошириш мақсадида кенг қўлланилади Масалан: *Боягини чойнакка солиб кел, деди* (С.Аҳм., "Жимжитлик", 212-б.). *Чопиқни битирган кунимиз ўхшатиб бир палов дамлаб, иккита "мўйсафид"дан чиқарадиган бўлибмиз-да* (Н.А., "Елвизак", 51-б.) *Қани энди оқбўтадан биттагина бўлса-ю, таомга "оқ йўл" тилаб юборса* ("Бир култум вожиаси", 29-б.). *Тўртта-бешта четушка ҳам олиб олганман, деди* (Н.А., "Қитиғи ўлмаган қиз", 72-б.). *Чоракта топиладими? - деди Ориф ака* (Асқ.М., "Чинор", 150-б.). *Ҳар хил баҳоналар билан ичилади, кейинчалик яримтасиз яшашнинг қизиги қолмайди* ("Бир култум фожиаси", 72-б.). -Э, чойни қўйсанг-чи, зўр!... *Ўткиррогидан олиб кел!* (Ў.Х., "Икки карра икки - беш", 140-б.). *Саидий, улфатлари туфайли уларнинг оғайинлари бўлган бу одамлар билан ҳам рюмка уриштирар эди* (А.Қ., 1-т., 114-б.). Одатда, мулоқот жараёнида бундай вазиятда култум, пича ютиб олиш, аяглашмоқ каби сўзлардан кенг фойдаланилади. Масалан: *Охири чидамай, чойхонадан битта пиёла сўраб, "пича ютиб олишга" қарор қилди* ("Бир култум фожиаси", 8-б.). ("Паранжи сирларидан бир лавҳа") драммасида персонажлардан бири Мирзараим "Янги меҳмон билан уч-тўрт кун аяглашайлик" дейди. Ушбу ўринда қўлланилган аяглашайлик сўзидан улфатчилик, маишат қилмоқ маъноси англашилади. Ушбу матндаги аяғ (аяк, аёғ) эск ўзбек тилида коса, пиёла, қадаҳ маъноларини билдиради[4;208]. Аммо бу сўз бадий асарда ижодкор томонидан қўлланилган окказионал маъно ифодаловчи сўз бўлиб, лакунадан фарқ қилади.

Бадий асарлардаги бундай лакуналар коммуникатив жараёнда айтайлик, диалогик нутқда ҳолатдан келиб чиқиб, асар қаҳрамонининг мақсади ва вазиятини ҳисобга олиб, нима ҳақида гап кетаётганлиги китобхон томонидан англанади.

Пул ва пора билан боғлиқ бўлган арготик бирликларнинг коммуникатив лакуна сифатида келишини ҳам тез-тез учратиб тураемиз. Масалан, пул отарчилар нутқида – *якан*, порахўрлар нутқида– *қуруғи, чўтал*; ўғрилар нутқида – *лой*, кўкидан, *муллажиринг* кўринишида ишлатилади. Бундан ташқари *кўкат*, *соққа*,

сўлкавой, қуруғи, гилдирак, лимон шаклида ишлатилганлигига ҳам дуч келишимиз мумкин. Масалан: Бу замонда **муллажиринг** бўлса, ҳамма нарса қилса бўлади («Тадбиркор», 1998, 18 июл). –Қани, **лойдан** чўз. –Қанча? – Уч бўлак. –**Битта** ҳам етар? (Т.Малик, «Шайтанат», 181-б.). Буни ҳал қиладиган масъул шахс шу «**соққа**»ни ўзидан олдин ишлаган киши ҳам олганлигини ...билади (Н.Қобул, «Унитилган соҳиллар», 24-б.). **Шобарот**, мана юз эллик **сўлкавой!** Бу камлик қилса яна хизматдаман (А.Қ., 4-т, 152-б.). Кисса касал эмасми, «**чўталдан** чўзинг» деб туради, **Ҳайвон!** (Ў.Х., «Икки карра икки - беш», 110-б.). Бу **МИБчилар** ўзлари ташиқил этган саховат тадбирларидан «**чўтал**» олаётганига ўхшаб қолмаяптими? (<https://ok.ru/zamin.uz>). — **Чўтални** энди кимга беряписиз? Бек акамгами? — Бек акангиз чўтал оладиган гадолар тоифасидан эмаслар. Шуни билмасмидингиз? Мен ҳам чўтал берадиган овсар эмасман (Т. Малик, ” ШАЙТАНАТ” (I- китоб)). **Қуруғи** яхши-да, могорламайди. Нима бало, жиндак қуруғидан керак бўлиб қолди, шекилли? (С.Аҳм., «Жимжитлик», 163-б.). Лекин ана шу вақт ичида «бир **гилдирак**» чўнтакка тушиди (А.Жумақул, «Юракка сиғмаган гаплар», 74-б.).

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (II том, 506-бет)да “**лойламоқ**” сўзи хуфия тарзда етказмоқ, билдирмоқ, “сотмоқ”, “пулламоқ” маъносида келиши таъкидланган. **Якшанбада эшагимни бозорга олиб бориб, ўттиз сўмга лойладим.** «Муштум».

Демак, жаргон бирликларига эга бўлган коммуникатив лакуналар нутқий сўз қатламини доимий равишда бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Быкова Г.В. Лакунарность в условиях одноязычной ситуации и межкультурном диалоге. –С.101. file:///C:/Users/12345/Downloads/lakunarnost-v-usloviyah-odnoyazychnoy-situatsii-i-mezhkulturnom-dialoge.pdf
2. Стернин И.А. Структурная семасиология и лингводидактика // Русское слово в лингвострановедческом аспекте: Межвузовский сб. научн. трудов. - Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1987. - С. 41
- 3.ЎТИЛ, 23-бет.
- 4.Ёриев Б. Тил ва услуб. –Термиз: “Сурхон-Нашр”, 2016, 208-бет.